

КРИМИНАЛИСТИК ЛАБОРАТОРИЯЛАР: КЕЧА ВА БУГУН

Саитова Н.С., Бахтиёрова С.Б.

*Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси Маркази Суд экспертлик илмий-тадқиқот институти, Тошкент, Ўзбекистон****Аннотация:** Мақола охирги йиллар ичида криминалистик лабораторияларнинг ривожланиш тенденцияси, жиноятларни тергов қилишдаги аҳамиятига бағишланган.****Калит сўзлар:** Криминалистика, криминалистик лабораториялар.*

Мавзунинг долзарблиги. Тарихан жиноятлар, яъни аслида зарарли, жамият учун объектив хавфли ҳаракатлар биринчи жамоа аъзоларининг онгли ҳаётини қўллаб-қувватлаш фаолияти бошланганидан бери содир этилган. Жиноятчилик, ҳуқуқ каби, минг йиллик ривожланиш тарихига эга.

Жиноятчилик тарихи жамият ва ҳаёт учун хавфли бўлган ҳаракатларга қарши курашиш фанининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Умуман олганда криминалистика бу - суд далилларини йиғиш, қайд қилиш, тадқиқ этиш ва улардан фойдаланишнинг махсус усул ва воситалари тизимини ишлаб чиқувчи фан. Мазкур усуллар ва воситалар жиноятларни фош қилиш, текшириш ва олдини олиш учун қўлланилади. Бир қатор ҳолларда эса бу усул ва воситалардан фуқаролик ишларини судда кўриб чиқишда фойдаланилади.

Ўз навбатида, криминалистика XIX-аср охирида фаолият олиб борган унинг асосчиларидан ҳисобланган Ханс Гросснинг асарлари яратилган даврдан то криминалистик технологияларнинг замонавий ривожланиш давригача, соф эмпирик билимлар тизимидан глобал чуқур ихтисослашган мега-наукага айланиб, жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш соҳасидаги энг муҳим давлат ва ижтимоий аҳамиятга эга функцияни амалга оширди.

Жиноятчилик билан бир қаторда, унга қарши курашиш чоралари, шу жумладан далилларни тўплашнинг муҳим бир манбаи ҳисобланган криминалистик лабораториялар ҳам ривожланиб келмоқда. Айнан бу каби криминалистика фани билан бир қаторда криминалистик лабораторияларнинг ривожини, турли даражадаги жиноятчиликка қарши курашиш, жамиятда адалотни қарор топтириш учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакатимизда криминалистиканинг янгидан-янги ривожлантириш методлари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда

уларни амалиётга кенг тадқиқ этиш ва уларнинг жиноятчиликни очишдаги ўрнини ўрганиш. Шу аснода охирги 100 йиллик ичида криминалистик лабораторияларнинг ривожланиш тенденциясини кузатиш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқот материаллари сифатида маълумот алмашувчи компьютер тармоқларининг бутунжаҳон ва омма учун очиқ тўплами бўлмиш интернет тармоғи, турли мақола ҳамда илмий изланишлар натижалари олинган.

Жиноятчиликка қарши курашишнинг биринчи таҳлилий усулларга антропометрия, дактилоскопия, оғзаки портрет, сурьатлар таҳлили кабиларни киритиш мумкин. Маълумки, бу каби тадқиқотлар кўп вақт сарфи, асоссиз кўп меҳнат талаб этиши билан ажралиб турарди. Ҳар бир ҳолат бўйича мутахассислардан катта миқдордаги маълумотларни қўлда таҳлил қилиб чиқишни талаб қиларди. Шу билан бирга ушбу усуллар тавсиявий тусга эга эканлиги билан ҳам ажралиб турган.

Мисол учун дактилоскопистик текширувларни амалга ошириш учун мутахассислар ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган бармоқ изларини, идорада мавжуд бармоқ излар картотекаси билан бирма бир қўлда солиштириб чиқиш зарур эди. Биологик хусусиятга эга объектлар бўйича эса тадқиқотлар фақат қон гуруҳи бўйича солиштиришга таянган ҳолдагина амалга оширилди.

XX асрга келиб криминалистиканинг ривожланиши билан, жиноятларни очиш, умуман олганда ҳодиса содир бўлган жойни таҳлил қилиш, ҳодиса содир бўлган жойдан иш учун аҳамиятли текширув объектларини аниқлаш, уларни таҳлил қилишнинг янги замонавий усуллари пайдо бўлди.

Шу билан бир қаторда криминалистик лабораториялар ҳам ривожланди.



1-расм. XIX-аср Майкл Фарадей лабораторияси.



2-расм.

Айни дамдаги криминалистик лабораториялар.



3-расм

Умуман олганда ушбу соҳанинг ривожланиши жиноятларни очишда қўлланиладиган усулларнинг ривожланиши, махсус текширувларни амалга ошириш учун зарур бўлган илмий-техник базанинг такомиллашиши ҳамда зарур бўлган мутахассиларни тегишли тартибда тайёргарлигига алоҳида эътиборнинг кучайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Яъни, мисол учун умумий кимёнинг турли соҳаларининг илмий қоидалари ва усуллари бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ, бироқ бу мутлақо бошқа усуллар жиноятларни тергов қилиш учун

қўлланила бошлаганда, улар битта фанга — суд кимёсига бирлашади ҳамда ўзининг самарасини бера бошлаган. Суд кимёсининг ривожланиши билан, экспертлик текширувлар учун тақдим этилган текширув объектларнинг кимёвий таркибини аниқлаш асосида, турли тақиқланган моддаларни мавжуд ёки йўқлиги, овқатдан захарланиш ҳолатлари асосли ёки асосли эмаслиги, хаттоки қоғоздаги ёзувлар сиёҳларнинг таркибини аниқлаш бўйича ҳам аниқ маълумотларни олиш имконини берди.

Албатта бу каби ривожланишлар фақат суд кимёси соҳасида эмас, балки бошқа йўналишлар бўйича ҳам амалга оширилган.

Шу билан бир қаторда жиноятларни тергов қилиш бўйича амалий қўлланмалар ҳам пайдо бўлишни бошлади. Яъни криминалистика нафақат амалий балки назарий жихатдан ҳам анча ривожланди.

Фаннинг ривожланиши билан бир қаторда криминалистик секторнинг илмий-техник базаси ҳам ривожланган. Авваллари бир неча кунларни талаб этадиган бармоқ изларнинг тахлили айни дамда бир зумда ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган бармоқ изини компьютерга киритгандан сўнг битта тугмани босиш йўли билан ҳал қилинмоқда.

Ҳар бир давлатларда криминалистик тадқиқотларни ўтказадиган лабораторияларни кенгайтириш зарурияти пайдо бўлган. Яъни тадқиқотлар ўтказиладиган экспертлик идораларнинг майдони кенгайтирилди, суд кимё биология, баллистик-тарсология бўйича тадқиқотларни ўтказиш учун замонавий асбоб-ускуналар харид қилинишни ҳамда штатлар бирлиги ҳам кенгайтирилишни бошлаган. Шу билан бир қаторда суд экспертлик тадқиқотларини олиб боришга қўмаклашадиган экспериментал бўлимлар ҳам очилишни бошлаган.

Аммо бу каби ривожланишлар фақат илм-фаннинг ва илмий-техник базанинг ривожланиши би-

лан эмас, балки жиноятларни тергов қилишда қатнашаётган ҳар бир бўғин ходимларнинг қайта тайёргарликларига ҳам катта эътибор берилишини ҳам қамраб олган. Яъни бўлажак терговчиларни тайёрлайдиган олий ўқув юртларида суд-экспертлик тадқиқотларига бағишланган дарслар пайдо бўлди, суд экспертларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш марказлари фаолият олиб боришни бошлади.

Шу билан бирга криминалистик лабораториялар ривожланишининг яна бир жихати шундан иборатки, иш учун аҳамиятли бўлган текширув объектларини ҳодиса содир бўлган жойдан криминалистик лабораторияларга олиб бормасдан жойида таҳлил қилиш имконини бериши мумкин. Шунга қўра айни дамда дунё бўйлаб кўплаб давлатлар сингари бизнинг мамлакатимизда ҳам мобил криминалистик лабораториялар фаолият олиб боришни бошлаган. Ушбу мобил криминалистик лабораториялар ҳар қандай ҳудуд ва шароитдан қатъий назар воқеа жойида заруриятга қараб дактилоскопик, трасология ва баллистика тадқиқотларини ўтказиши мумкин. Шу билан бундай мобил криминалистик лабораториялар профессионал учувчисиз учиш аппаратлари билан ҳам жихозланган. Ушбу қурилма ёрдамида воқеа ва ҳодиса иштирокчилари шахсини узоқ ракурстан туриб ҳам аниқлаш имконини беради.



4-расм.



5-расм.

Мобил криминалистик лаборатория

Хулоса.

Криминалистик лабораторияларнинг ривожланиши турли даражадаги жиноятчиликка қарши курашиш, жамиятда адалотни қарор топтириш учун жуда муҳим аҳамият касб этишини кузатишимиз мумкин. Криминалистик лабораторияларнинг ҳозирги замон талабларига мос бўлиши, ортқча вақт сарфсиз жиноят изи бўйича зудлик билан тергов ишларини олиб боришга имкон яратмоқда.

Адабиётлар.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси Маркази "Одам ДНКси бўйича суд биология экспертизаси ўтказишни тайинлаш тактикаси юзасидан услубий қўлланма". Тошкент, 2000. С 3-23.

Горский М.В. «Зарождение криминалистики в россии в XIX веке», Вестник ВГУ. Серия право. 2018г.

Неретина Н.С. «Криминалистика и судебная экспертиза», Актуальные проблемы российского права. 2015г.

